

Навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди



Бугун аҳоли муурожаатларини мутасаддилар иштирокида ўрганиш ва ечим топиш мақсадида Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаровнинг навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди.

Қабул давомида 17 нафар фуқароларнинг электр энергияси, газ ва ичимлик сув таъминотлари, бандлик, уй-жой таъмири учун маблағ ажратиш, даволаниш учун моддий ёрдам бериш ва бошқа бир қатор масалалар бўйича муурожаатлари тингланди. Фуқаролар томонидан йўлланган муурожаатларнинг аксарияти шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, қабулда айрим муурожаатларга ҳуқуқий тушунча берилган бўлса, ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган муурожаатлар тегишли мутасаддиларга йўналтирилди ва ижроси назоратга олинди.